



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT  
O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**"ADABIYOT NAZARIYASI VA ZAMONAVIY ADABIY JARAYON"  
KAFEDRASI**



**O'zbekiston Qahramoni, atoqli o'zbek yozuvchisi Said Ahmad  
tavalludining 100 yilligi munosabati bilan**  
**«SAID AHMAD IJODINING MA'NAVIY-MA'RIFIY AHAMIYATI VA  
ZAMONAVIY O'ZBEK ADABIYOTI»**  
**mavzusidagi**  
**RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ONLAYN KONFERENSIYASI**

**materiallari to'plami (22 iyun 2020 yil)**

**TOSHKENT -2020**

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён” кафедраси

Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли ўзбек ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Саид Аҳмад ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти ва замонавий ўзбек адабиёти» мавзусидаги Республика илмий-амалий онлайн конференцияси материаллари тўплами.

**Тахрир ҳайъати:**

Ш.Сирожиддинов, ТошДЎТАУ ректори, ф.ф.д., проф.

З.Абдурашидов, ТошДЎТАУ илмий ишлар бўйича проректори, ф.ф.д.

С.Нормаматов, ТошДЎТАУ ўқув ишлари бўйича проректори, ф.ф.д.

Б.Абдушукуров, ўзбек филологияси факультети декани, ф.ф.д.

Б.Каримов, ф.ф.д., проф.

У.Жўрақулов, ф.ф.д.

А.Улуғов, ф.ф.н., доц.

Д.Холдоров, PhD., доц.

О.Усмонов, ф.ф.н., доц.

У.Расурова, ф.ф.н.

**Масъул муҳаррир:** ф.ф.д., проф. Б.Каримов

**Тўплаб нашрга тайёрловчилар:**

Р.Тўлабоева, PhD.

З.Суванов, PhD.

Ғ.Бобоҷонов - докторант

**Тошкент – 2020 йил, 22 июнь.**

**III**  
**ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА**  
**САИД АҲМАД ИЖОДИНИНГ ЎҚИТИЛИШИ**

**САИД АҲМАДНИНГ “САРОБ” ҲИКОЯСИДА ОТА-ЎҒИЛ  
МУНОСАБАТИ**

ҚУВВАТОВА Дилрабо Ҳабибовна,

БухДУ профессори, ф.ф.д.

ЎРОҚОВА Нафосат Ёриевна,

БухДУ ўқитувчиси, ф.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация:** Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмаддинг “Сароб” ҳикоясида ўзлигимизни, миллий-ахлоқий қадриятларимизни топташга қаратилган мудҳиш сиёсатнинг аянчли қурбонлари ота ва ўғил муносабатлари орқали халқимизнинг машъум қора кунлари акс этган. Чин ватанпарварлик ғояси, юрга садоқат, миллатга муҳаббат ота образи орқали очилса, ҳою ҳавасларга берилиш, шоншуҳратнинг кетидан қувиш натижасида сотқинлик, нонкўрлик, хиёнатга қўл урган ўғилнинг хатти-ҳаракатлари орқали кўрсатилади. Мақолада ота ва ўғил ҳарактерини тўлақонли очиш учун О.Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикояси билан чоғишириув амалга оширилган.

**Калит сўзлар:** “Сароб” ҳикояси, миллий-ахлоқий қадриятлар, ота-ўғил муносабати, Жезқозғон маҳбуслар лагери, Павлик Морозов, “сексотлар”, “стукачлар”, Фузулий ғазали.

Севимли ёзувчимиз Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сайд Аҳмадни кулгу устаси сифатида яхши таниймиз. Бинобарин, унинг юморга бой асарлари замирида аччиқ ҳаёт ҳақиқатларини ҳам англаш қийин эмас. Айниқса, истиқлол йилларида яратилган асарларини кузатадиган бўлсак, ёзувчининг фожеий ҳолатларни очик бўёқларда акс эттиришга уринганлигига гувоҳ бўламиз. Бу С.Аҳмаднинг ўз бошидан ўтказган ўша машъум қора кунлари акси бўлса ажабмас, албатта. Нега ёзувчимиз ҳурликка эришгунимизга қадар бундай кунлар фожеасини ёритмади, деган савол туғилиши табиий. Жавобни адібнинг “Профессор Умарали Норматовга хат”идан топиш мумкин:

“Азизим Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда “Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг”, деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим...

“Сароб” деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолганди. Кечаси соат учда неварам шаҳар уйимизга телефон қилиб, дадасига аҳволимни айтганида, у гўё Қибрайга учиб келган эди, “Тез ёрдам”ни чақириб, касалхонага оборган.

“Сароб”да ҳам қамоқ, лагер воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундок бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора кунлар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим...” [ Аҳмад С. 2016: 42-бет.]

Дарҳақиқат, ҳалқимиз бошига тушган мусибатларни, ўз кечмиш-кечирмишларини ёдга олиш, мустабид тузумнинг даҳшатли лагерлари ҳаётини ёритиш гўё уни қайта бошдан кечиришдек гап. Буни бошқа адилларимиз ҳам ўз хотираларида алам билан айтиб ўтганлар.

С.Аҳмаднинг қора кунлар изтироби битилган шундай асарларидан бири “Сароб”дир. Адібнинг лагер ҳаётидан олиб ёзган илк ҳикоясида бадиий

адабиётнинг азалий муаммоларидан бири – ота ва бола муносабати алоҳида ўрин тутади. “Уфқ”даги ота ва ўғил – Икромжон ва Турсунбой, Иноят оқсоқол ва Низомжон зиддиятлари, “Қоракўз Мажнун”, “Азроил ўтган йўлларда” ҳикояларидағи она ва фарзанд, ота ва ўғлонлар ўртасидаги кескин муносабатлар каби бу ҳикоя сюжети ҳам асардаги ижтимоий рух пафосини бир қадар юқори кўтарган.

“Ота қарғиши мисоли ўқ – у охиратда эмас, шу дунёнинг ўзида нишонга тегади”. Бухоролик 100 йил яшаган темирчи усто Амин бобонингўгитларидан олинган ушбу эпиграф ҳикоядан хulosса тарзида бўй кўрсатиб турибди. Зеро, халқимиз орасида “Онанинг қарғиши – дўқ, отанинг қарғиши – ўқ” мақоли учраши ҳам бежизга эмас. Ҳикояни ўқишига киришар экансиз, дастлаб у бизга О.Ёқубовнинг “Музқаймоқ” асари сюжетини эслатади. Ҳар иккаласида ҳам ота ва ўғил муносабатлари асар марказида туради.

“Сароб”да **ота** – Олимжон Раҳмонов район маориф бўлимининг мудири. Тарих билимдони – Олимжон домла А.Темур, Бобур, Наршахий, Форобий, Н.Кубро, Ал-Беруний, Ҳожа Ахрор, А.Яссавий каби алломаларнинг ўтган асрларда хаттотлар томонидан кўчирилган ноёб қўлёзмаларини кўз қорачиғидек асарди. Бир кеча кекса зиёлилар тўпланишиб, ғазалхонлик қилишганда, бошқаларга тушунарсиз бўлган: “Ғамларим шунча кўпки, туюнинг устига ортсам, зинданга ташланган кофирлар озод бўлади” мисрасини шарҳлаб, ҳаммани лол қолдиради. Баён қўйидагича эди: “Бир ривоятда одамлар Аллоҳдан “Эй Тангirim, зинданда ётган кофирлар қачон озод қилинади?” – деб сўрабдилар. Аллоҳ: “Туя игнанинг кўзидан ўтгандагина кофирлар озод қилинади”, – деб жавоб қилган экан. Фузулий ана шу ривоятни ғазалига асос қилиб олган. Яъни: “Менинг ғамларим шунчалик кўпки, туюнинг устига ортсам, кўтаролмай, озиб, ипдек бўлиб қолади”. Ипдек озиб қолган туя игнанинг тешигидан бемалол ўтиши мумкин. Демак, кофирлар зиндандан озод қилинади”[Аҳмад С. 2016: 14-бет].

Асарда Олимжон домланинг шу каби турли некбин қирралари келтирилиб, кўз ўнгимизда рисоладагидек ота образи гавдалантирилади. **Ўғил** – Кимсанбой – мактабда фаол пионерлардан. У Ленин ва Сталин тўғрисида ёзилган шеърларни ажиб бир маҳорат билан декламация қиласди. Уни туман, ҳатто, вилоят миқёсида ўтадиган тантанали йигинларга, слётларга, ўқитувчиларнинг конференцияларига чақириб, шеърлар ўқитишади.

Таассуфки, мустабид тузум вакиллари отани ушлаш учун болани ишга солишади, яъники, ўғилдан замона қаҳрамони янги Павлик Морозов яратиб, зиёли отага қарши курашга ёллайдилар. Бу йўлда болага турли алдамчи совғалар бериб, гўёки келажаги учун имкониятлар яратиб, ундан ғараз мақсадлари учун фойдаланадилар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар иккала ҳикояда ҳам худди шу ўринларигача деярли бир хил фабула кузатилади. Аммо “Музқаймок”даги боладан фарқли ўлароқ, “Сароб”даги Кимсанбой характери асар сюжети ривожида ўсишда давом этаверади. “Музқаймок”да афсусланиш, пушаймонлик ҳисси болани чулғаса, “Сароб”да то ўзини ўзи ўлдиргунга қадар бу туйғулар ўғилга бегона эди. Худди мана шу нуқтада икки ўхшаш асарнинг сюжетлари ажралиб, индивидуаллик касб этади.

Ҳикоя қамоқхона маҳбуси – рассом – ёзувчи тилидан сўзланади. Олимжон Раҳмоновни ҳалқ душмани сифатида ўн беш йилга озодликдан маҳрум қилишади. Бу ишларда бешинчи синф ўкувчиси – ўз ўғлининг – суюклиси Кимсаннинг қўли борлигини билиб, пешонасига шапиллатиб уриб: “Э-э, аттанг, аттанг! Илоё, жувонмарг бўл! Умринг хор-зорликда ўтсин” [Аҳмад С. 2016: 18-бет.], – деб юзига фотиҳа тортади. Ўғилни охир-оқибат мана шу қарғиши уради.

1942 йил армия сафига чақирилганда бўлажак жангчилар номидан “Хурмат белгиси” ордени нишондори Кимсанбой Олимжоновга сўз берилади: “Мен ҳаёт-мамот жангига кетяпман. Ҳалқ душманининг ўғли бўлиб эмас, асл ватанпарвар, дохий Сталин фарзанди бўлиб урушга кираман.

Бугундан бошлаб фамилиям Олимжонов эмас, Ёлқинов бўлди. Кўксимда буюк Сталин билан жангга кираман!” [Аҳмад С. 2016: 19-бет.].

Кўринадики, ўғил отадан кейин ишонган эътиқодида давом этаверади. Аммо тақдир унинг ўзини ҳам қамоқقا маҳкум этади. Бу ҳам етмагандек, лагердаги қинғирликлари: “сексотлар” ва “стукачлар” (маҳбуслар тўғрисида бошлиқларга яширинча маълумот бериб турадиганлар) сафида хизмат қилганлиги учун бошқа маҳбуслар томонидан жазоланади. Натижада, қўли синганда қийшиқ битиб, бир умрга ногирон бўлади. Бошидан олган зарбалари туфайли калласи у ёқдан бу ёққа оғиб кетаверадиган, кўзлари ҳам яхши қўрмайдиган бўлиб қолади. Шу сабабли уни отаси ётган лагерга жўнатганларида танимайди. Боласини кўрганда Олимжон домла кўзларидан оқкан ёш соқолларига томарди. У қимирламас, ҳар киприк қоққанда, мижжаларида тўпланиб қолган ёш дув тўкиларди. Ёзувчининг бу ўринда меҳрибон ва раҳмдил, кечиримли ўзбек отаси сиймосини яратса олганлигини кўришимиз мумкин.

Хикоя сўнгидаги Кимсанбой ҳар куни рассомнинг олдига келиб, қора лок сўрай бошлайди. Кўксидаги Сталиннинг суратини ранг билан чаплаб, бошқалардан ҳимояланмоқчи бўлади. Аммо рассом унинг куни битганлигини, бу ишини “зек”лар аллақачон сезиб қолгани, Павлик Морозовнинг садоқатли издоши бўлганлиги, ўз отасини ГПУ га сотганлиги учун “Хурмат белгиси” ордени билан тақдирланганини рўй-рост айтади. Шу тариқа ўғил ўзини пичоқлаб, ҳаммасидан қутулмоқчи бўлади. Ўлимидан олдин рассомга васият қиласи гўё: “Сиздан ўтиниб сўрайман, Штокманга айтинг, жоним узилиши билан танам совимай, жасадим қотмай туриб, кўксимдаги Сталин суратини терим билан шилиб олсин... У дунёга ҳам Сталин билан кетмай. У билан битта қабрда ётгулик қилмасин”[Аҳмад С. 2016: 25-бет.].

Кўринадики, асар сўнгидаги ўғил сифинган эътиқоди ёлғонлар асосига қурилганини англаб етади, афсус чекади, аммо энди кеч эди.

HASANOV Abdumannon. Said Ahmad asarlari leksikasida dialektizmlarning qo'llanilishiga doir mulohazalar .....	163
ISABAYEVA Gulhayo. Said Ahmadning xarakter yaratishda o'zbek tili imkoniyatlaridan foydalanish mahorati .....	168
ABDURAHMONOVA Sayyora. Said Ahmad hajviyalarida kinoyaning lisoniy asoslari .....	172
ARZIYEVA Dildora. Said Ahmadning "Kelinlar qo'zg'oloni" komediyasida barqaror birikmalarning o'rni .....	177
BEKIYEVA Malika. Said Ahmad asarlarida frazeologizmlarning qo'llanilishi .....	182
Mahmud RAJABOV. Said Ahmad asarlarida sintaktik figuralarning qo'llanilishi .....	189
TURSUNTOSHEVA Fazilat. Said Ahmad asarlarida ko'chma ma'noli so'zlarning qo'llanilishi .....	196

### III

## ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА САИД АҲМАД ИЖОДИНИНГ ЎҚИТИЛИШИ

ҚУВВАТОВА Дилрабо, ЎРОҚОВА Нафосат. Said Аҳмаднинг "Сароб" ҳикоясида ота-ўғил муносабати .....	200
ЯНГИБАЕВА Назира, БЕГДУЛЛАЕВА Динора. Said Аҳмад ижодида садоқат ва вафо тимсоли .....	205
Зилола РАҲМОНОВА. "Прозанинг шоири" ёниқ қалб, улкан сабр қиёфасини ўзида акс эттириди .....	211
SHIRINBOYEV Xayrulla. Said Ahmad asarlarida xalq maqollari va iboralaridan foydalanish mahorati .....	216
RAHMONOVA Matluba. Said Ahmadning "Qorako'z Majnun" hikoyaini o'rganishda FSMU texnologiyasidan foydalanish .....	222

POLVONOVA Bashorat. Akademik litseylarda said ahmad asarlarini o'rganishning o'ziga xosligi .....	227
ROXATALIYEVA Noila. Kulgi ortiga berkingan ma'naviy tarbiya jilosi .....	230
Ismigul NIZOMOVA. Ma'naviy mushtaraklik .....	234
NO'MONOV No'monjon. Frontdagi qahramon O'sarboy Omonboyev (Said Ahmadning "To'lqinlar" hikoyasi asosida) .....	239
Gavharoy MURODOVA. "Sarob" hikoyasida qahramonlar psixologiyasi .....	241
Hayitbek BILOLOV. Said Ahmadning urush mavzusidagi hikoyalarida inson taqdiri masalasi .....	245
SULTANOV Shoxruh, MAMATQOSIMOVA Nasiba. Said Ahmad ijodi va uning adabiyot olamidagi ahamiyati .....	251
Нафиса КАРИМОВА. Said Ahmad saodati .....	255